



## ТЕХНОЛОГИК СТАРТАПЛАР УЧУН ВЕНЧУР КАПИТАЛИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

**Ашурова Насиба Батировна**

Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети

ORCID: 0009-0007-1040-8922

[nasiba\\_2804@mail.ru](mailto:nasiba_2804@mail.ru)

**Атамурадов Шерзод Акрамович**

Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети

ORCID: 0000-0001-5511-6164

[sher\\_zod@inbox.ru](mailto:sher_zod@inbox.ru)

**Аннотация.** Мазкур мақолада технологик стартаплар учун венчур капитални жалб қилишнинг самарали стратегиялари батафсил таҳлил қилинган. Стартапларнинг ривожланишида молиявий ёрдамни жалб қилиш, бозор салоҳиятини баҳолаш ва ишончли бизнес-режа яратиш каби муҳим жиҳатлар ёритилган. Шунингдек, венчур капитал сармоядорларини жалб қилишда таваккалчиликларни камайтиришга ёрдам берувчи усуллар кўрсатилган. Ўзбекистон шароитида венчур сармояларининг ўрни ва иқтисодий имкониятлари таҳлил қилинган. Ушбу стратегиялар янги технологик компанияларнинг муваффақиятли ривожланишини таъминлаш учун аҳамиятли ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** венчур капитал, технологик стартаплар, инвестиция стратегиялари, бозор таҳлили, Ўзбекистондаги имкониятлар, таваккалчиликларни камайтириш, инновацион тадбиркорлик, молиявий қўллаб-қувватлаш, бозор салоҳияти, бизнес-режа, стартап экотизими, капитал жалб қилиш, технологик ривожланиш, иқтисодий ўсиш, илғор технологиялар

## СТРАТЕГИИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ВЕНЧУРНОГО КАПИТАЛА ДЛЯ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ СТАРТАПОВ

**Ашурова Насиба Батыровна**

Навоийский государственный горно-технологический университет

**Атамурадов Шерзод Акрамович**

Навоийский государственный горно-технологический университет

**Аннотация** В данной статье проводится подробный анализ эффективных стратегий привлечения венчурного капитала для технологических стартапов. Особое внимание уделяется аспектам финансовой поддержки стартапов, оценке рыночного потенциала и созданию надежного бизнес-плана. Рассмотрены методы снижения рисков при привлечении венчурных инвестиций. В статье также проводится анализ роли венчурного капитала и экономических возможностей для его привлечения в условиях Узбекистана. Эти стратегии важны для успешного развития новых технологических компаний.

**Ключевые слова:** венчурный капитал, технологические стартапы, инвестиционные стратегии, анализ рынка, возможности в Узбекистане, снижение рисков, инновационное предпринимательство, финансовая поддержка, рыночный потенциал, бизнес-план, экосистема стартапов, привлечение капитала, технологическое развитие, экономический рост, передовые технологии.

## STRATEGIES FOR ATTRACTING VENTURE CAPITAL FOR TECHNOLOGY STARTUPS

**Ashurova Nasiba Batyrovna**

Navoi State University of Mining and Technology

**Atamuradov Sherzod Akramovich**

Navoi State University of Mining and Technology

**Abstract.** This article provides an in-depth analysis of effective strategies for attracting venture capital for technology startups. It focuses on essential aspects such as securing financial support for startups, assessing market potential, and creating a reliable business plan. Additionally, the article explores risk mitigation methods crucial for appealing to venture capital investors. The study also examines the role of venture capital and economic opportunities within Uzbekistan's context. These strategies are significant for ensuring the successful growth of new technology companies.

**Key words:** venture capital, technology startups, investment strategies, market analysis, opportunities in Uzbekistan, risk mitigation, innovative entrepreneurship, financial support, market potential, business plan, startup ecosystem, capital attraction, technological development, economic growth, advanced technologies.

### Кириш.

Маълумки, технологик стартаплар жаҳон иқтисодиётида инновация ва ривожланишни таъминлайдиган асосий кучлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Замонавий иқтисодиётда янги маҳсулот ва хизматлар яратишда технологик стартаплар янгиликларни жорий этишда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, уларнинг ривожланишига сезиларли даражада катта сармоялар талаб этилади. Аксарият стартаплар илк босқичларда юқори таваккалчиликларга эга бўлгани сабабли, молиявий қўллаб-қувватлашни топишда қийинчиликларга дуч келади.

Бундай шароитда венчур капитал стартаплар учун муҳим манба ҳисобланади. Венчур сармоялар стартапларга нафақат молиявий ёрдам кўрсатиш, балки уларга стратегик маслаҳатлар ва тажрибали инвесторлар билан ҳамкорлик имкониятини яратиш орқали устунлик беради. Шунингдек, венчур сармоядорлар стартапларнинг бозорда рақобатбардошликка эришишлари учун зарур шарт-шароитларни ҳам яратиш берадилар.

Мазкур мақолада технологик стартаплар учун венчур капитални жалб қилиш стратегиялари таҳлил қилиниб, уларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи усуллар ўрганилади. Ўзбекистон шароитида венчур сармояларни жалб қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд имкониятлари ҳам кўриб чиқилади. Ушбу тадқиқот натижалари стартап экотизимини ривожлантириш ва мамлакатда инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

### Адабиётлар шарҳи.

Технологик стартаплар учун венчур капитални жалб қилишни ўрганиш замонавий иқтисодиётда катта аҳамият касб этади. Одатда венчур сармоялар юқори таваккалчиликни ўз ичига олган инвестиция тури сифатида таърифланади. Йозеф Шумпетер инновацион тадбиркорлик ва технологик тараққиётнинг иқтисодий ривожланишига таъсирини урғулаб, инновацияларнинг янги маҳсулот ва хизматларни жорий этиш орқали иқтисодиётни ривожлантиришини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, венчур сармоядорлар янги ва илғор ғояларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

Шумпетернинг (1942) "Capitalism, Socialism, and Democracy": асари капиталистик иқтисодиётни ижодий йўқ қилиш назарияси орқали қандай тушунтиришини ёритади.

Унинг фикрига кўра, инновация ва технология ривожланиши орқали янги маҳсулот ва хизматлар пайдо бўлади ва шу билан эски бизнес моделлари ва соҳаларни йўқ қилади. Бу жараёнда тадбиркорлар ва венчур сармоядорлар муҳим роль ўйнайди, чунки улар бозорга янги инновацион ғояларни киритиш ва иқтисодиётни янгилаш учун асосий куч ҳисобланади.

Шунинг билан бирга Шумпетернинг *"The Theory of Economic Development"* (1911): асарида у тадбиркорларни иқтисодий ривожланишнинг асосий ижодий кучлари сифатида таърифланади. Унинг таъкидлашича, тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётни янгилайди ва ривожланишга туртки беради. Венчур сармоядорлар эса юқори таваккалчиликка эга бўлган янги ғояларни қўллаб-қувватлайдиган асосий инвесторлардир. Ушбу асар венчур сармоянинг аҳамиятини тушунтиришда назарий асосларни белгилайди.

Бошқа томондан, АҚШлик иқтисодчи олим, профессор Уилям Баумол инновацион тадбиркорликни иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бири деб ҳисоблайди. У венчур сармояларини иқтисодиётда янги маҳсулотларни яратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда асосий восита сифатида кўради. Баумолнинг фикрига кўра, венчур капитал сармоядорлари таваккалчиликни юқори даражада баҳолаган ҳолда стартапларга қўллаб-қувватлаш бериб, уларнинг тезкор ривожланишига ёрдам берадилар.

Жумладан, Уилям Баумол *"The Free-Market Innovation Machine: Analyzing the Growth Miracle of Capitalism"* (2002) номли асарида капитализм ва эркин бозор иқтисодиётининг инновация ва иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролини ёритади. Асарда венчур сармоялар ва инновацион тадбиркорлик эркин бозорни ривожлантиришда муҳим омил эканлиги таъкидланган. Баумолнинг фикрига кўра, эркин бозор механизми инновацияларни қўллаб-қувватлашда ва янги технологияларни жорий этишда самарали воситадир.

Шунингдек унинг *"Entrepreneurship, Management, and the Structure of Payoffs"* (1993) номли асарида тадбиркорликнинг турли кўринишларини ва уларнинг иқтисодий тузилмасига таъсири таҳлил қилинади. Баумол инновацион тадбиркорликни иқтисодий ўсишга туртки берадиган асосий омил эканлигини таъкидлайди ва венчур сармоядорларнинг юқори таваккалчиликларга қарамай тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали ривожланишни тезлаштиришини қайд этади.

Гарвард бизнес мактаби профессорлари Пол Гомперс ва Джош Лернерлар эса венчур сармояларнинг технологик стартапларнинг ривожланишига таъсирини ўрганиб чиқиб, уларнинг инновация ва тадбиркорлик жараёнидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратадилар. Улар ўз тадқиқотларида венчур капитални жалб қилиш жараёнининг муваффақиятли амалга оширилиши учун бозор салоҳиятини тўғри таҳлил қилиш, самарали бизнес-режа яратиш ва инвесторларнинг ишончини қозониш муҳимлигини таъкидлайдилар.

Ушбу икки олим хаммуаллифлигида ёзилган *"The Venture Capital Cycle"* (1999) номли асарда венчур капитал бозорининг қандай шаклланиши ва унинг циклик хусусиятларини батафсил ёритади. Асарда венчур сармоядорларнинг инвестиция киритиш, маблағ жалб қилиш ва сармояларни қайта тақсимлаш босқичлари таҳлил қилинган. Гомперс ва Лернер венчур капиталининг ривожланиш жараёнидаги аҳамиятини ва технологик стартапларни қўллаб-қувватлашдаги стратегик ролини тушунтиришади.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу тадқиқотда технологик стартаплар учун венчур капитални жалб қилиш стратегияларини ўрганиш учун қўлланилган методология аралаш ёндашувга асосланади. Биринчи навбатда, мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш орқали венчур

капиталининг аҳамияти, унинг тадбиркорликдаги ўрни ва ривожланишга таъсирини ўрганиш мақсадида иккинчи даражали маълумотлардан фойдаланилган. Бу жараёнда йирик иқтисодчи олимлар томонидан келтирилган таърифлар ва назарий асослардан фойдаланиб, тадқиқотнинг назарий платформаси шакллантирилди. Шунингдек, АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлардаги венчур капитал бозорларининг ҳолати таҳлил қилинди.

Иккинчи босқичда, технологик стартаплар учун венчур капитални жалб қилишнинг амалий жиҳатларини ёритиш мақсадида турли кейслар ва муваффақиятли стратегиялар ўрганилди. Кейинги босқичда Ўзбекистон шароитида венчур сармояларни жалб қилиш имкониятларини таҳлил қилиш учун интервьюлар ва очиқ маълумотлар таҳлил қилинди. Бу усул асосий муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим таклиф қилишга ёрдам берди.

Ушбу тадқиқотда замонавий иқтисодиётда венчур сармояларнинг аҳамиятини тушуниш, стартаплар учун самарали стратегияларни тақдим этиш ва уларнинг мамлакат иқтисодиётига қўшадиган ҳиссасини баҳолашга имкон беради. Тадқиқотнинг натижалари асосида технологик стартаплар учун венчур сармояларни жалб қилиш жараёнини оптималлаштириш учун амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда технологик стартаплар учун венчур капитални жалб қилиш бутун дунёдаги инновация ва иқтисодий ўсишни таъминлашда ўта муҳим ҳисобланади. Венчур сармоялари ёрдамида стартаплар янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларни жорий этиб, бозорда тезкор ривожланиш ва рақобатбардошликка эришади. Хусусан, сунъий интеллект, биотехнология, киберхавфсизлик, блокчейн ва экологик инновациялар каби соҳаларда венчур сармоялар орқали жуда катта тараққиётга эришилмоқда.

Технологик стартаплар учун венчур капиталларининг аҳамияти шундан иборатки, бу сармоялар нафақат молиявий ёрдам беради, балки тажрибали инвесторларнинг маслаҳатлари ва стратегик ресурсларига эга бўлиш имконини яратади. Шунингдек, аксарият стартаплар учун илк босқичда даромад олиш қийин бўлгани учун венчур сармоялар фаолиятни қўллаб-қувватлашда муҳимдир. Бундай сармоялар мамлакатлар иқтисодиётида инновацион секторнинг улушини оширишга, янги иш ўринлари яратишга ва юқори технологик ечимларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Бу глобал аҳамиятга эга жараён бўлиб, турли мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Хитой ва Европа мамлакатлари ўзларидаги стартапларни қўллаб-қувватлаш учун венчур фондлар ва махсус дастурларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Масалан АҚШда технологик стартапларни молиялаштириш учун ажратилаётган венчур капиталларини қуйидаги жиҳатларини таҳлил қилишимиз мумкин:

1. **Маблағ ажратиш босқичлари ва уларнинг миқдори:** Венчур сармоялар асосан уч босқичда ажратилади: эрта босқич (seed/early-stage), биринчи раунд (Series A), ва кейинги раундлар (Series B, C ва бошқалар). Масалан, 2024 йил сентябрь ойида АҚШда эрта босқич сармоялар учун \$837,8 миллион, Series A босқичдаги сармоялар учун \$2,5 миллиард, ва Series B босқичдаги сармоялар учун \$1,2 миллиард ажратилган. Бу босқичлардан кейинги сармоялар эса ўртача \$67,8 миллионгача бўлиши мумкин<sup>27</sup>

2. **Соҳалар бўйича инвестициялаш:** Венчур сармоядорлар асосан сунъий интеллект, киберхавфсизлик, биотехнология, ва блокчейн каби юқори технологияли соҳаларга кўпроқ эътибор қаратишмоқда. Бу соҳалардаги стартаплар келажакда юқори даражада ривожланиш салоҳиятига эга бўлиб, уларнинг бозордаги рақобатбардошлиги юқори баҳоланмоқда.

<sup>27</sup> <https://news.crunchbase.com/policy-regulation/us-startup-funding-post-election-years/>

3. **Сармояларнинг географик тақсимоти:** АҚШдаги венчур сармояларнинг асосий қисми Сан-Франциско, Нью-Йорк, ва Бостон каби технополислар учун ажратилади. Бу шаҳарлар молиявий ресурслар, технопарклар ва бизнес инкубаторлари билан бой, шунинг учун стартаплар учун қулай муҳит яратилади

4. **Сунъий интеллектга инвестициялар:** 2024 йилда сунъий интеллект соҳаси АҚШдаги энг йирик сармоя ажратиладиган йўналишлардан бири бўлиб, катта миқдордаги сармоялар жалб қилинмоқда. AI компаниялари учун ўртача баҳолар юқори даражада сақланиб турибди, ва келажакда ушбу соҳада йирик IPOларни амалга ошириш кутилмоқда

2024 йилда АҚШдаги технологик инновацияларга йўналтирилган венчур сармоялари сезиларли даражада юқори бўлди. 2024 йилнинг иккинчи чорагида умумий венчур сармоялар \$55,6 миллиардга етган бўлиб, бу сўнгги икки йил ичидаги энг юқори кўрсаткичдир. Бу сармояларнинг катта қисми сунъий интеллект соҳасига қаратилган бўлиб, жумладан, CoreWeave компанияси \$8,6 миллиард ва xAI компанияси \$6 миллиард маблағ тўплади. Шунингдек, сунъий интеллектга ихтисослашган Scale AI ва Xaira Therapeutics каби компаниялар ҳам миллиард доллардан ортиқ маблағ жалб қилди, бу эса AI соҳасига бўлган сармоядорлар қизиқишининг ортиб бораётганини кўрсатади.<sup>28</sup>

Сармоядорлар асосан иккинчи ва учинчи босқичдаги (Series B ва Series C) компанияларга кўпроқ маблағ ажрата бошлаган, чунки улар IPO орқали чиқиш имкониятига эга бўлган компанияларга йўналтирилган. Ушбу йўналишдаги сармоядорлар учун сунъий интеллект, киберхавфсизлик ва биотехнология катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Ҳар ойда АҚШдаги стартапларга ўртача \$7 миллиарддан зиёд маблағ ажратилаётгани ушбу жараённинг аҳамиятини ва ўсиш имкониятларини тасдиқлайди

Технологик стартаплар учун венчур капиталини жалб қилишда самарали стратегиялар бизнеснинг ривожланиш имкониятларини ошириш ва инвесторларни жалб қилишда муҳимдир. Қуйида асосий самарали стратегиялар билан танишишингиз мумкин:

1. **Бозор салоҳиятини таҳлил қилиш ва тақдимот:** Венчур сармоядорларнинг диққатини жалб қилиш учун стартап ўз бозори ҳақида аниқ ва асосланган маълумотга эга бўлиши зарур. Бозор таҳлили ёрдамида маҳсулот ёки хизматнинг бозордаги эҳтиёжи ва ривожланиш салоҳияти аниқ кўрсатилади, бу эса инвесторларнинг ишончини оширади

2. **Қатъий ва ишончли бизнес-режа:** Венчур сармоядорлар муваффақиятли бизнес-режа орқали компаниянинг ривожланиш стратегиясини баҳолашади. Бизнес-режа молиявий прогнозлар, маркетинг стратегиялари, ва келгуси режаларни ўз ичига олиши керак. Самарали режалаштириш, жумладан, келажакдаги босқичларда қандай маблағ жалб қилинишини кўрсатиш, инвесторларнинг қарор қабул қилишини энгиллаштиради

3. **Илғор технология ёки инновация намоиши:** Стартапнинг асосий маҳсулоти ёки хизмати инновацион бўлса, унинг бозордаги рақобатбардошлигини ва янги технологиялардан фойдаланишини намоиш қилиш жуда муҳимдир. Инновациянинг амалий аҳамияти ва унинг ўз бозорида қандай афзалликларга эга эканини тушунтириш орқали сармоядорларнинг қизиқишини ошириш мумкин

4. **Таваккалчиликни бошқариш бўйича чоралар:** Венчур сармоядорлар юқори таваккалчиликка эга бўлган соҳаларга сармоя киритади, шунинг учун стартап таваккалчиликни камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини тақдим этиши керак. Маҳсулотнинг муваффақиятли чиқиши учун асосий хавфларни баҳолаш ва бу

<sup>28</sup> <https://news.crunchbase.com/policy-regulation/us-startup-funding-post-election-years/>

хавфларни камайтириш стратегияларини ёритиш сармоядорларга қўшимча ишонч беради

**5. Таъсирли инвесторлар билан алоқа ўрнатиш:** Венчур капитални жалб қилиш жараёнида тажрибали инвесторлар билан алоқа ўрнатиш ва улардан маслаҳатлар олиш катта аҳамиятга эга. Яқиндан ҳамкорлик қилиш орқали стартап молиялаштириш имкониятларини ошириши, шунингдек, инвесторлар орқали бизнесни кенгайтиришга имкон берувчи қимматли бизнес алоқаларга эга бўлиши мумкин

Ўзбекистонда венчур капитали муҳитини яратиш ва ривожлантириш учун бир неча стратегик таклифлар қуйидагича бўлиши мумкин:

**Қонунчилик ва ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш:** Венчур сармояларини қўллаб-қувватловчи аниқ қонунлар ва регулятив рамкалар жорий қилиш муҳим. Махсус венчур фондлари, инвестиция фондлари ва суғурта механизмлари учун қонунчилик асосини яратиш орқали сармоядорлар учун ишончли муҳит шакллантириш мумкин. Бу тадбирлар давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида амалга оширилганда самара беради.

**Солиқ ва молиявий имтиёзлар жорий қилиш:** Венчур сармоядорларни жалб қилиш учун солиқ имтиёзлари катта аҳамиятга эга. Масалан, стартапларга ва венчур фондларга даромад солиғи бўйича ёки инвестиция солиқлари бўйича имтиёзлар бериш орқали сармоядорларнинг қизиқишини ошириш мумкин. Шунингдек, сармоядорлар учун турли грант ва субсидия дастурларини ҳам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

**Таълим ва малака ошириш дастурлари:** Венчур капитал бозори ва стартап экотизимини ривожлантириш учун маҳаллий тадбиркорлар ва сармоядорлар учун таълим дастурлари ташкил этиш зарур. Бизнес инкубаторлар, акселераторлар, ва венчур фондлар билан ҳамкорликда тренинглар, семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали мутахассисларнинг билим ва малакасини ошириш мумкин.

**Инфратузилма ва бизнес экотизимини ривожлантириш:** Ўзбекистондаги технопарклар ва инновацион марказларни кенгайтириш орқали стартапларни қўллаб-қувватлаш зарур. Инкубаторлар, акселераторлар, ва махсус стартап марказлари ривожланиши орқали илғор технологиялар ва бизнес моделларни яратишга қўмаклашиш мумкин. Масалан, Digital City ёки IT Park каби платформалар бунинг учун муҳим асос бўлиши мумкин.

**Таваккалчиликни бошқариш учун махсус механизмлар жорий қилиш:** Венчур сармоялари юқори таваккалчиликка эга бўлган сармоялар тури бўлганлиги сабабли, уларни камайтириш механизмлари, жумладан, давлат кафолатлари ва махсус суғурта воситаларини жорий қилиш муҳим. Бу сармоядорларга рискни бошқаришга ёрдам бериб, венчур сармояларни жалб қилишни осонлаштиради.

**Маҳаллий сармоядорлар учун рағбатлантириш дастурлари:** Венчур капитал соҳасига маҳаллий сармоядорларни жалб қилиш мақсадида улар учун рағбатлантириш дастурлари яратиш зарур. Бу дастурлар маҳаллий сармоядорларнинг стартаплар ва венчур сармояларга бўлган қизиқишини ошириши мумкин. Масалан, маҳаллий сармоядорлар учун солиқ имтиёзлари, грантлар ёки субсидиялар жорий қилиш йўли билан уларнинг сармояларни жалб қилиш қобилиятини ошириш мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Технологик стартаплар учун венчур капиталини жалб қилиш самарали ривожланиш ва инновацияларни жорий этишда муҳим восита ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда венчур сармоядорларнинг стартапларни молиялаштиришдаги ролини аниқлаб, уларнинг бизнесни ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаси баҳоланди. Мақолада келтирилган таҳлиллар ва натижаларга асосланиб, венчур сармояларни жалб қилиш учун бозор салоҳиятини таҳлил қилиш, ишончли бизнес-режа яратиш ва таваккалчиликни камайтириш каби стратегиялар самарали деб топилди.

Ўзбекистонда венчур капитали муҳитини яратиш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, солиқ ва молиявий имтиёзлар жорий қилиш, инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда маҳаллий сармоядорларни жалб қилиш каби муҳим қадамлар таклиф этилди. Венчур сармоялари иқтисодиётни ривожлантириш ва янги технологияларни жорий қилиш учун қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб, уларнинг татбиқи мамлакат инновацион салоҳиятини оширишга ёрдам беради.

#### **Adabiyotlar/ Лумература/ Reference:**

Ashurova, N. B. "Ekonomiko-statisticheskii analiz mekhanizma stimulirovaniya malogo biznesa i predprinimatel'stva v Respublike Uzbekistan [Economic and statistical analysis of the mechanism for encouraging small business and entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan]." *Voprosy statistiki* 6 (2011): 57-59.

Ashurova, N., & Chekulayeva, K. (2024). O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING SOLIQ SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISHDA IJTIMOYIY SHERIKLIKNING ROLI. *Ilg'or iqtisodiyot va pedagogik texnologiyalar*, 1(1), 232–240.

Ashurova, N., & Chekulayeva, K. (2024). SANOAT KORXONALARINING KORPORATIV IJTIMOYIY JAVOBGARLIGINI BOSHQARISH METODOLOGIYASI ASOSLARI. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(9), 234–242. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss9-pp234-242>

Joseph Alois Schumpeter. (1983) *The Theory of Economic Development: An Inquiry Into Profits, Capital, Credit, Interest, and the Business Cycle* Transaction Publishers, - Всего страниц: 255

Paul Gompers and Josh Lerner. (2002) *The Venture Capital Cycle*. The MIT Press. January 25, 385 pp.

Porter, M. E. "The Competitive Advantage of Nations"(1990).

Schumpeter, J.A. (1942) "Capitalism, Socialism, and Democracy".

William J. Baumol, (1993) *Academic Director Berkley Center for Entrepreneurial Studies* William J Baumol. *Entrepreneurship, Management, and the Structure of Payoffs*. MIT Press, -311.

William J. Baumol. (2002) *The Free-Market Innovation Machine: Analyzing the Growth Miracle of Capitalism* December. DOI:10.1515/9781400851638. ISBN: 9781400851638

Атамуратов Ш. А. (2019). Турли минтақаларда венчур инвестицияси муҳити таҳлили ҳамда венчур бизнесини ўзбекистон иқтисодиётига жорий этиш муаммолари. *Экономика и инновационные технологии*, (6), 69–79. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11170](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11170)

Атамуратов Ш. А. (2022). Саноатда инновацион фаолиятни ривожлантиришда венчур инвестицияларини жалб қилиш масалалари. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1868>

Атамуратов Ш.А. Инновацион тадбиркорликда венчур инвестицияларини жалб қилиш муаммолари // *Экономика и финансы (Ўзбекистан)*. 2021. №1 (137). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-tadbirkorlikda-venchur-investitsiyalarini-zhalb-ilish-muammolari> (дата обращения: 09.01.2023).

Атамуратов Шерзод Акрамович Инновацион фаолиятни венчурли молиялаштиришнинг халқаро моделларини жорий этиш самарадорлиги // *Экономика и финансы (Ўзбекистан)*. 2019. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-faoliyatni-venchurli-moliyalashtirishning-hal-aro-modellarini-zhoriy-etish-samaradorligi> (дата обращения: 09.01.2023).

Ашурова Н. Б. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва солиқ соҳасидаги ижтимоий ҳамкорликни амалга ошириш йўналишлари // *Экономика и финансы (Ўзбекистан)*. 2012. №11. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-respublikasi-soli-siyosati-va-soli-so-asidagi-izhtimoiy-amkorlikni-amalga-oshirish-y-nalishlari> (дата обращения: 26.10.2024).

Ашурова Насиба Батировна, Атамурадов Шерзод Акрамович *Инновацион фаолиятни стратегик режалаштиришда tckinsey/ general electric матрицаси ёрдамида бозор салоҳиятини таҳлил қилиш // Экономика и финансы (Ўзбекистан). 2022. №11 (159). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/innovatsion-faoliyatni-strategik-rezhalashtirishda-tckinsey-general-electric-matritsasi-yordamida-bozor-salo-iyatini-ta-lil-ilish> (дата обращения: 26.10.2024).*

Ашурова Насиба Батировна, Атамурадов Шерзод Акрамович *Ўзбекистонда венчур молиялаштиришнинг янги моделларини ривожлантириш // Экономика и финансы (Ўзбекистан). 2020. №1 (133). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonda-venchur-moliyalashtirishning-yangi-modellarini-rivozhlantirish> (дата обращения: 26.10.2024).*

Ашурова Насиба Батировна, Атамурадов Шерзод Акрамович *Хорижий мамлакатларда венчур капитали бозорининг институционал субъектлари // International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/horizhiy-mamlakatlarda-venchur-kapitali-bozorining-institutsional-subektlari> (дата обращения: 26.10.2024).*